

**ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.12.2019.К/Т.04.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШАРИПОВА УМИДА ИКРАМОВНА

**ЯНГИ ФОСФАТ КИСЛОТАЛИ КАТИОНИТЛАРНИ ОҚАВА СУВЛАР
ВА САНОАТ ЭРИТМАЛАРИНИ ТОЗАЛАШДА ҚЎЛЛАШ
ИМКОНИЯТЛАРИ**

**11.00.05 – Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Ташкент-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Шарипова Умида Икромовна	
Янги фосфат кислотали катионитларни оқава сувлар ва саноат эритмаларини тозалашда қўллаш имкониятлари	3
Шарипова Умида Икромовна	
Возможность использования нового фосфорнокислого катионита при очистке сточных вод и производственных растворов.....	21
Sharipova Umida Ikromovna	
Possibility of using a new phosphoric acid cation exchanger for wastewater and industrial solutions.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати	
Список опубликованных работ	
List of published works.....	42

**ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.12.2019.К/Т.04.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШАРИПОВА УМИДА ИКРАМОВНА

**ЯНГИ ФОСФАТ КИСЛОТАЛИ КАТИОНИТЛАРНИ ОҚАВА СУВЛАР
ВА САНОАТ ЭРИТМАЛАРИНИ ТОЗАЛАШДА ҚЎЛЛАШ
ИМКОНИЯТЛАРИ**

**11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Ташкент-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/К273 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилларида (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.tkti.uz ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Пулатов Хайрулла Лутпуллаевич кимё фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Кулматов Рашид Анорович кимё фанлари доктори, профессор Сайфутдинов Рамзиддин Сайфутдинович техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Умумий ва ноорганик кимё институти


Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02 рақамли Илмий кенгашнинг «30» 05 2020 йил соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32. Тел: (+99871) 244-79-20, Факс: (+99871) 244-79-17. e-mail: info@tkti.uz).


Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32. Тел: (+99871) 244-79-20.

Диссертация автореферати «21» 05 2020 й. да тарқатилган.
(2020 йил «21» 05 даги №2 рақамли реестр баённомаси).




Л.Т.Пулатова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, к.ф.д., профессор


Ф.Б.Игитов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, кимё фанлари бўйича фалсафа доктори


А.С.Сидиков
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Ҳозирги кунда дунёда кимёвий, металлургия ва ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида оқова сувларни тозалаш, тайёрлаш ва сувни юмшатиш корхоналарида юқори сорбцион хусусиятларга эга бўлган ион-алмашувчи полимерлар кенг қўлланилмоқда. Хусусан, саноат корхоналарида оқова сувларни оғир металл ионларидан тозалаш учун арзон ва ҳаммабоп хомашёлар асосидаги ион-алмашувчи полимерлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда экологик жиҳатдан хавфсиз, мақсадли йўналтирилган ионларни яратиш бўйича мақсадга мувофиқ тадқиқотларнинг истиқболи, муҳим техник муаммоларни ҳал қилиш ва уларнинг хомашё базасини кенгайтириш бўйича тегишли масалаларни илмий асослашга қаратилган, хусусан, ионоген группаларни киритиш учун стирол ва фурфуролни поликонденсациялаш йўли билан янги полимер олиш, стирол-фурфуролли полимер асосида олинган фосфат кислотали катионитни синтез қилишнинг оптимал шароитларини аниқлаш, оқова сувларни оғир металл ионларидан тозалаш ва сувни юмшатиш технологияларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда маҳаллий хом-ашёлар асосида янги ионитлар олиш, уларни оқова сувларни оғир металл ионларидан тозалаш, сувларни юмшатиш жараёнларида қўллаш бўйича илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “юқори технологияли қайта ишлаш соҳаларини, аввало маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш базасида қўшимча юқори нархли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича илгарилаб кетишига йўналтирилган, саноатни сифат жихатидан янги даражага ўтказиш йўли билан янада модернизациялаш ва диверсификациялаш” вазифалари белгилаб берилган. Шу муносабат билан, кимё ва гидролиз саноати маҳсулотлари асосида янги ион-алмашувчи полимер олиш йўли билан оқова сувларни тозалаш ва сувларни юмшатиш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сонли “2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли “Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

хужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. М.М.Дубинин, Ф.Д.Овчаренко, Ю.И.Тарасевич, А.В.Киселев, К.И.Чмутов, А.Б.Пашков, К.М.Салдадзе, К.Б.Мусабеков, Ш.Б.Батталова, Ю.А.Эльтеков, V.Tasana, Y.Iemuro, S.Nonako, K.Sugino, K.Cirai, R.Kitavaki, R.Heping, G. Bayd, A.Lurre, G.Maneske, H.Heller, G.Yander, V.Slater, C.Harland, H.Hofman, B. Rivas, M.Jara, E.Pereira, К.С.Ахмедов, Э.А.Арипов, ФЛ.Глекель, С.С.Хамраева, С.Н.Аминова, А.А.Агзамходжаева, У.К.Ахмедов, Г.У.Рахматкориев, С.З.Муминов, Б.Н.Хамидов, В.П.Гуро, Г.Р.Нарметова, И.К.Сатаев, О.К.Бейсенбаев, А.С.Султонов, У.Ризаев, М.А.Аскарлов, А.Т.Джалилов, Ф.А.Магруппов, Р.А.Назирова, С.М.Туробжонов, Ш.А.Муталов раҳбарликлари остида бажарилган ишлар ион-алмашинувчи полимерларни олиш, уларнинг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш ва назорат қилиш масалалари бўйича илмий тадқиқотларга бағишланган.

Кимё ва гидрометаллургия саноатининг катта миқдордаги сув ресурсларидан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда улар томонидан сувларни тозалаш ва баъзи металл ионларини ажратиб олиш учун ион-алмашинувчи полимерларни олиш ва қўллаш бўйича технологиялар яратилган. Маҳаллий хом-ашё – фурфурол асосида чет элдан келтириладиган ионитларни ўрнини босувчи ионитларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва саноат объектларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал қилиниши, долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Оқова сувларни металл ионларидан ион-алмашинувчи усули ёрдамида тозалаш” (2012-2015 йй.) ва ЁА-12-6 “Аввалдан хоссалари маълум бўлган поликонденсацион амфолитлар олишнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш” (2016-2017 йй.), ПЗ-20170927346-сонли “Ион-алмашинувчи полимерлар синтези, сорбциясини ўрганиш” (2018-2020 йй.) амалий лойиҳаларнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади янги самарали ион-алмашинувчи полимер олиш усулларини ишлаб чиқиш, олинган ион-алмашинувчи полимерни оқова сувларни оғир металл ионларидан тозалаш ва сувларни юмшатишда қўллаш имкониятларини кенгайтиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

монофункционал фосфат кислотали катионит олиш учун янги стирол-фурфуролли полимерни кимёвий ўзгартириш (фосфориллаш);

олинган катионитнинг сорбцион хусусиятларини ишлаб чиқаришда ва турли корхоналарнинг ташлама сувларида мавжуд бўлган натрий, калий, кальций, магний ионларига нисбатан тадқиқ қилиш;

олинган катионитнинг термо-кимёвий-радиацион барқарорлигини тадқиқ қилиш;

синовдан ўтказилаётган катионитнинг мис, никель, кобальт, уранил ва бошқа ионларга комплекс ҳосил қилиш хусусиятини тадқиқ қилиш;

катионитни, оқава сувларни оғир металл ионларидан тозалаш ва сувларни деминераллаштиришда қўллаш имкониятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектлари – уч хлорли фосфор, фурфурол, стирол, фосфат кислотали катионит, оғир металл ионлари, оқава сувлар, артезиан сувлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети – юқори термо-кимёвий ва кинетик хусусиятларга эга бўлган фосфат кислотали катионитларни олиш ва уларни оқава сувларни тозалашда, шунингдек, сувларни юмшатишда қўллаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Кимёвий таҳлил усуллари – алкалометрик титрлаш, элемент таҳлили, трилонометрик титрлаш, йодометрик усул, физик-кимёвий таҳлил усуллари – ИК-спектроскопия, масс-спектроскопия, потенциометрия, фотоколориметрия, термогравиметрия, электрон парамагнит резонанс (ЭПР), газ-суюқлик хроматографияси ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

илк бора поликонденсацион турдаги термо-кимёвий-радиацион барқарор фосфат кислотали катионит олинган;

асосий физик-кимёвий, сорбцион ва эксплуатацион хусусиятларнинг бошланғич хомашё материалларининг хусусиятларига, фосфорлантирувчи агент концентрациясига, реакция температураси ва давомийлигига корреляцион боғлиқлиги аниқланган;

монофункционал фосфат кислотали катионит стирол-фурфурол полимер асосида олишнинг оптимал шароитлари аниқланган;

оқава сувларни тозалашнинг, юмшатишнинг ва катионитни регенерациялашнинг технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ионоген гуруҳ қўшиш учун стирол ва фурфуролни поликонденсациялаш йўли билан янги полимер матрицаси ишлаб чиқилган;

стирол-фурфуролли полимерни фосфорлаштириш орқали термо-кимёвий-радиацион барқарор фосфат кислотали катионитни олиш усули ҳамда фосфат кислотали катионитни олишнинг принципиал технологик схемаси, технологик регламенти ва техник шароитлари ишлаб чиқилган;

фурфурол асосида олинган катионитни ишлаб чиқариш оқава сувларини тозалаш ва юмшатишда қўллашнинг технологик жараёни такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий тадқиқотлар ва тавсияларнинг хулосаларининг умумлашуви орқали асосланган, чунки, улар кимёвий ва физик-кимёвий тадқиқотларнинг замонавий усуллари асосида белгиланган. Ишлаб чиқилган катионитнинг қўлланилиши ва ишлаб

чиқарилиши технологиялари тажриба – саноат синовларида ишлаб чиқаришда қўллашга тавсия қилинган тасдиқланган далолатномалар орқали апробацияланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти катионитларнинг асосий кимёвий ва физик-кимёвий хоссаларининг (кальций, магний, мис, никель, уранил ва бошқа ионларнинг сорбцияси, сорбцион сиғими, монофункционалиги ва ғоваклиги) уларни олиш учун яроқли бўлган бошланғич хом-ашёларнинг кимёвий таркиби, физик-кимёвий ва сорбцион хоссаларига корреляцион боғлиқлигининг аниқланганлиги ҳамда поликонденсацион турдаги катионитлар ассортиментини кенгайтиришга имкон яратиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, фурфурол ва стирол асосида саноат оқава сувларини тозалаш ва юмшатиш учун тавсия қилинган янги фосфат кислотали катионит олишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саноат оқава сувларини тозалаш ва юмшатиш учун янги ион-алмашилиш қурилмасини олиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида:

стирол-фурфурол полимери асосида янги фосфат кислотали катионит олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигида ихтирога патент (№IAP 03886, 2009 й.) олинган. Натижада оқава сувларни оғир металл ионларидан тозалаш учун фосфат кислотали катионит ишлаб чиқариш имконини берган;

синтез қилинган фосфат кислотали катионити “Сувсоз” ДУКга қаршли Бўзсув аэрация станцияси оқава сувларини оғир металл ионларидан тозалаш жараёнида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 21 ноябрдаги 03-02/3-3985-сон маълумотномаси). Натижада шаҳар оқава сувларини оғир металл ионларидан самарали тозалаш имконини берган;

синтез қилинган фосфат кислотали катионити “Хамкор” МЧЖ саноат сувларини деминераллаштириш жараёнида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 21 ноябрдаги 03-02/3-3985-сон маълумотномаси). Натижада техник сувни тайёрлаш самарадорлиги ортиб, импортга чиқарилаётган катионитларни маҳаллийлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари маърузалар кўринишида ифода этилди ва 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган, шунингдек, 1 та ихтирога ЎЗР патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан

иборат. Диссертациянинг хажми 102 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети аниқ ифодаланган, мазкур тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ифода этилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилишнинг рўйхати, диссертация тузилиши ва нашр этирилган ишлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Полимеризацион ва поликонденсацион фосфат кислотали катионитлар олиш усуллари, хоссалари ва қўлланиш самарадорлиги ҳақидаги замонавий қарашлар”** деб номланган биринчи бобида фосфат кислотали катионитни олиш бўйича нашр этилган ишлар таҳлили қилинган.

Диссертация ишининг **“Катионитларни синтез қилиш усуллари ва бошланғич моддалар”** деб номланган иккинчи боби бошланғич моддаларнинг характеристикаларига, стирол ва фурфурол асосидаги полимер матричасини олиш усуллари, фосфат кислотали катионит олиш усуллари, кимёвий ўзгаришлар реакцияларининг кинетикасини тадқиқ қилиш усуллари, шунингдек, олинган катионитнинг сорбцион ва физик-кимёвий хусусиятларини тадқиқ қилиш усуллари бағишланган.

Диссертациянинг **“Поликонденсацион катионитларни синтез қилиш”** деб номланган учинчи бобида стирол ва фурфуролнинг поликонденсация реакцияларини боришини тадқиқ қилишнинг натижалари ва муҳокамалари, шунингдек, катионит олиш мақсадида олинган полимернинг фосфорлантириш реакцияси қонуниятларининг тадқиқотлари баён этилган.

Стирол-фурфурол полимери поликонденсацияланиш кинетикасининг тадқиқотлари. Стиролни фурфурол билан поликонденсациялашда фурфурол концентрациясининг ўзгаришини реакцияга киришмай қолган фурфурол миқдори бўйича аниқланади. Ушбу натижалар асосида $\frac{1}{a-b} \ln \frac{(a-x) \cdot b}{(b-x) \cdot a}$ нинг

вақтга боғлиқлик характери аниқланди (бу ерда x – реакцияга киришадиган фурфуролнинг миқдори), шуни айтиш керакки, ҳисоблашлар учун ўзгаришнинг чуқур даражасига мос келмайдиган қийматларинигина (30% гача) олинган. $\frac{1}{a-b} \ln \frac{(a-x) \cdot b}{(b-x) \cdot a} - \tau$ боғлиқлигининг чизиқли характери шундан

далолат берадики, стиролни фурфурол билан поликонденсациялаш реакцияси худди II тартибли реакция каби боради. $-lgk$ нинг $1/T$ га график боғлиқлигидан стиролнинг фурфурол билан поликонденсацияланиш реакциясининг активлантириш энергияси аниқланган, у 14.6 ккал/моль га мос келади. Рух хлориднинг ($ZnCl_2$) катализатори концентрациясининг стиролнинг фурфурол билан поликонденсацияси жараёнига таъсири ҳам ўрганилган. Ушбу мақсадда реакцияни $ZnCl_2$ иштирокида 1 моль фурфуролга нисбатан 0.03, 0.07, 0.1 моль концентрацияларда олиб борилди. Стиролнинг фурфуролга моляр нисбати 1:1 бўлди, реакция температураси $90^\circ C$.

Бошланғич моддалар нисбатларининг олинган катионит хусусиятларига таъсири

№	Кўрсаткичлар	Стиролнинг фурфуролга мол нисбати		
		1:2	1:1.5	1:1
1.	Намлик, %	0.68	0.6	0.5
2.	Сочилма оғирлик, г/мл	2.2	2.8	3.5
3.	Н-шаклдаги сувда бўккан катионитнинг солиштирма хажми, мл/г	2.2	2.8	3.5
4.	Эритма бўйича статик алмашинув сиғими, мг-экв/г:			
	0.1 N NaOH эритмасига	5.6-5.8	6.3-6.5	6.8-7.0
	0.1 N NaCl эритмасига	0.6-0.8	0.7-0.9	0.8-1.0
	0.1 N CaCl ₂ эритмасига	2.4-2.6	2.8-3.0	3.0-3.2
	0.1 N MgCl ₂ эритмасига	2.6-2.8	3.0-3.2	3.2-3.4
	0.1 N CuSO ₄ эритмасига	1.8-2.0	2.0-2.2	2.2-2.4

1-жадвалдан кўриниб турибдики, стиролнинг фурфуролга 1:1 моль нисбатларида яхши кўрсаткичларга эга бўлган фосфат кислотали катионит олинган. Олиб борилган тадқиқотлар асосида стирол-фурфурол полимерининг синтезини олиб боришнинг оптимал шароитлари қуйидагича қабул қилинган: реакция температураси – 90°C, катализатор концентрацияси 1 моль фурфуролга ZnCl₂ – 0.07 мол ва стиролнинг фурфуролга моль нисбати 1:1.

Стирол-фурфурол полимерини фосфорлантириш реакциясининг тадқиқотлари. Дивинилбензолни фурфурол билан алмаштириб, поликонденсацион турдаги фосфат кислотали катионит олишга ҳаракат қилиб кўрилди, у ўзининг сорбцион, физик-кимёвий хоссалари бўйича стирол ва дивинилбензолнинг фосфорлантирилган сополимерлари асосидаги полимеризацион фосфат кислотали катионитлардан сира ҳам қолишмаслиги аниқланди. Ички кучланишларни йўқотиш, шунингдек, кинетик ва механик хоссаларини яхшилаш учун стирол-фурфуролли полимерни фосфорлантиришдан олдин турли эритувчиларда (ацетон, дихлорэтан, диметилформамид (ДМФА), этил спирти ва уч хлорли фосфор) бўктиришга йўналтирилди. Учхлорли фосфордан фойдаланилганда энг яхши натижага эришилди, учхлорли фосфор заррача ичига сезиларли даражада сингиб, молекуляр тўрни кенгайтиради ва фосфорлантириш жараёнини енгиллаштиради. Бунинг натижасида алмашинув сиғими 5.0-5.2 мг-экв/г га етади.

Фосфорлантириш давомийлигининг катионит хусусиятларига таъсири. Стирол-фурфурол полимерини фосфорлантиришни, учхлорли фосфор ёрдамида, сувсизлантирилган учхлорли алюминий иштирокида, реакция аралашмани қайнатиб турган ҳолатда олиб борилди. Стирол-фурфурол полимерининг фосфорлантириш реакциясини оптимал шароитларда олиб борилишини белгилаш учун, фосфорлантириш реакциясини учхлорли фосфор ва алюминий хлориднинг полимер звеноларининг 1 молига 4:2 мол нисбатларда олиб борилди. Дастлаб учхлорли фосфорда бўктирилган стирол-фурфурол полимерини фосфорлантириш жараёни етарли даражада тез бўлиб ўтиши аниқланди.

Олинган маълумотлардан келиб чиқиб, фосфорлантиришнинг оптимал вақтини 6 соат деб қабул қилдик.

Учлорли фосфор концентрациясининг таъсири. Стирол-фурфурол полимерини фосфорлантирилишини учлорли фосфор ёрдамида олиб борилди, унда полимер дончаларини хона температурасида 170% бўкади. Реакцион аралашмага бир моль полимерга тўрт моль учлорли фосфор қўшилганда энг юқори ўзгариш даражасига эришилади. Реакция маҳсулотини гидролизи орқали 0,1 N ўювчи натрий бўйича алмашинув сиғими 5,0-5,6 мг-экв/г, солиштира хажми 2,8 мг/г бўлган катионит олинди. Бу турдаги катионитлар хавода ва уларни эритмаларда ишлатилганда оксидланади, шуни таъкидлаш керакки, жараён оксидловчи муҳитларда тезлашади. Сорбцион хусусиятларнинг турғунлигини таъминлаш ва ионитларнинг баъзи металл ионларига комплекс ҳосил қилиш характеристикаларини ошириш учун, бу турдаги ионитларни одатда турли оксидловчилар, кислород, симоб хлорид, нитрат кислотаси билан оксидланади. Олинган катионитларни 25%-ли нитрат кислотаси эритмасида 60-65°C температурада 7,5 соат давомида оксидланиши олиб борилди. Оксидланган катионит, ўювчи натрий бўйича 7,5 мг-экв/г алмашинув сиғимига эга. Сувда бўккан катионитнинг солиштира хажми 3,5-3,8 мл/г га етади. Стирол-фурфурол полимерини фосфорлантирилиши реакциясини учлорли фосфор муҳитида алюминий хлорид иштирокида 60, 70, 80°C да олиб борилди. Фосфорлантириш жараёни тезлигининг ўзгаришини ўрганиш учун температуранинг вақтга қараб ўзгариши даражасининг боғлиқликлари олинган. Кинетик эгрларни киритилган фосфор миқдорига ва 0,1 N ўювчи натрий эритмасига қараб аниқланган. Фосфорлантириш реакцияси гетероген жараён бўлиб, ушбу ҳолатда у стирол-фурфурол полимерининг ва учлорли фосфорнинг ўзаро таъсири кўринишида бўлади. Тадқиқ қилинаётган ҳолатда гетероген реакцияларнинг умумий тезлиги учлорли фосфорнинг полимерга диффузияланиши ёки хусусан кимёвий реакцияларнинг босқичларидан бирининг тезлиги орқали аниқланади. Реакциянинг тезлик константаси ва активлантириш энергияси катталиклари пленка кинетика учун ($A=0,1-0,3$ да) 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Реакциянинг тезлик константаси ва активлантириш энергияси катталиклари (пленка кинетика учун $A=0,1-0,3$ да)

Температура, °C	Тезлик константаси	$- \lg K$	E , ккал/моль	$\frac{1}{T} \cdot 10^{-3}$
60	4,8014	-3,1981	18,64	2,8
70	4,8637	-3,1463		2,78
80	4,8933	-3,1346		2,9

Гелли кинетиканинг чегараловчи таъсири ҳақида $A = f(\sqrt{\tau})$ координаталарда $A=0.3-0.5$ бўлганда чизиқли боғлиқликларга қараб хулоса қилдик. Шундай қилиб, стирол-фурфуролли фосфорлаштириш жараёнининг бошланғич даври ($\tau=60$ минут, $A \leq 0.3$) пленка кинетика босқичи орқали чегараланади. Кейин, ўзгариш даражасининг ($\tau > 60$ минут, $A \geq 0.5$) фосфорлантириш реакцияси тезлигига ортиб боришига, яъни, ички диффузион жараёнга қараб гелли кинетиканинг таъсири ортиб боради, уни

учхлорли фосфорнинг полимер донаси ичига сингиб кириши билан тавсифланади, яъни учхлорли фосфорнинг полимер грануласига диффузияланиши, жараённинг чегараловчи босқичи бўлиб қолади. $A > 0.5$ бўлгандаги диффузиянинг активланиш энергияси, қиялик бурчагининг тангенси $-\lg \overline{D_{\phi}} - 1/T$ боғлиқлик бўйича 46,5 ккал/моль га тенг. Олинган экспериментал маълумотлар асосида, стирол-фурфурол полимерини фосфорлантириш реакцияси етарлича юқори даражада бўлиб ўтади деган хулоса қилиш мумкин.

“Олинган полимернинг тузилишини, фосфат кислотали катионитнинг сорбцион ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш” деб номланган тўртинчи бобида, стирол-фурфурол полимери структурасини аниқлаш мақсадида, биз, масс- ва ИК-спектроскопия таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Полимер структурасининг масс-спектр тадқиқотлари шуни кўрсатадики, масса бирлиги 183 га тенг бўлган ионнинг мавжуд чўққилари, стирол-фурфурол полимери элементар звеносининг молекуляр массасига мос келади. Масса бириги 85 ва 98 га тенг бўлган ионларнинг чўққилари қуйидаги тузилишдаги формула орқали ифодаланади. Кам интенсивликка эга бўлган ионларнинг чўққилари реакцияга киришмай қолган бошланғич компонентларининг озгина миқдори мавжудлигидан далолат беради. Бошланғич фурфуролнинг ва олинган қотирилган полимернинг ИК-спектрлари $1030-1050 \text{ см}^{-1}$ соҳасида фурфурол гетероциклининг туташган қўшбоғлари ўзгаришларига мос келадиган характерли чизикларни кўрсатади. Фурфуролнинг альдегидли группасига мос келадиган $1690-1670 \text{ см}^{-1}$ соҳаларида, қотирилган полимер спектрларида ютилиш чизиклари мавжуд эмас. Олинган тадқиқотлар натижасида, стиролнинг фурфурол билан поликонденсацияланиш реакцияси қуйидаги схема бўйича бориши мумкин деган хулоса қилиш мумкин:

№ т.р.	Кимёвий реакция	Синтез шароити	Синтез маҳсулоти
1.		$t=90^{\circ}\text{C}$	
2.		$t=70^{\circ}\text{C}$	<p>гидролиз реакцияси</p>



Фосфат кислотали катионитнинг ИК-спектрларида 750 см^{-1} сохасидаги ютилиш чизиклари $\text{P}-(\text{OH})_2$ гуруҳига, 1250 , 1200 , 2560 см^{-1} сохаларида ютилиш чизиклари $\text{PO}(\text{OH})_2$ гуруҳига хосдир.

Алмашинув сизими. Олинган катионитларнинг алмашинув сизимини $0,1\text{ N}$ ли ўювчи ишқор эритмаси ва $0,1\text{ N}$ ли натрий хлорид эритмаси орқали аниқланди. Стирол-фурфурол полимери асосида олинган оксидланмаган катионит, ўювчи ишқор эритмаси бўйича $5,2\text{ мг-экв/г}$ алмашинув сизимига эга, нитрат кислотаси билан оксидланган катионит эса, ўювчи ишқор эритмаси бўйича $6,5-7,0\text{ мг-экв/г}$ ва кальций хлорид эритмаси бўйича $3,2-3,4\text{ мг-экв/г}$ алмашинув сизимига эгадир. Функционал ионоген гуруҳлар ва уларнинг диссоциацияланиш даражалари мавжудлигини аниқлаш учун потенциометрик титрлаш эгрлари олинган. Потенциометрик титрлаш эгрлари шуни кўрсатадики, фосфорлантирилган полимерни гидролиз қилиш махсулотлари оддий кучсиз моноасосли кислота ҳисобланадилар, улар, асосан $\text{pH}=11$ ва ундан юқори кўрсаткичларда диссоциялайди. Фосфорлантирилган полимерни титрлаш эгрлари, оксидланишдан кейин икки асосли полимер кислотаси кўринишида бўлиб, унинг биринчи диссоциацияланиш поғонаси $\text{pH}=6,5$ бўлганда, иккинчи поғонаси эса $\text{pH}=11,5$ да содир бўлади. Алкалометрик, потенциометрик титрлашлар йўли билан топилган, шунингдек, назарий жихатдан ҳисобланган ва полимердаги фосфорнинг миқдори бўйича ҳисобланган алмашинув сизими катталиги 3-жадвалда келтирилган, жадвалда Гриссбах бўйича ҳисобланган туюлма диссоциация константалари (pK_1 ва pK_2) берилган.

Ионоген гуруҳларнинг мавжудлигини полимерни фосфорлантириб, кейин оксидлантириш орқали ИК-спектрларни олиш орқали тасдиқланади. 750 см^{-1} сохасидаги ютилиш чизиклари $\text{P}-\text{C}$ боғларга, 1250 , 1200 , 2560 см^{-1} сохалардаги ютилиш чизиклари $\text{PO}(\text{OH})_2$ тўғри келади. 3200 см^{-1} сохасида ютилиш чизикларининг мавжуд эмаслиги, тадқиқ қилинаётган катионит структурасида карбоксил ва гидроксил группалар йўқлигидан далолат беради, яъни олинган катионит таркибида фақатгина фосфат кислотали группалардангина иборат.

Олинган КФФ катионитидаги *ион-алмашиниш тезлигини* бир бирлик вақт ичида $0,1\text{ N}$ магний хлорид эритмасидан магнийни ютилишининг динамик шароитларида аниқладик. Таққослаш учун фенол-формальдегид асосидаги поликонденсацион турдаги РФ-1 фосфат кислотали катионитларида ва стирол ва дивинилбензол сополимерларини фосфорлантириш асосида олинган фосфат кислотали катионит РФ-1 ларда мувозанат тезлигини аинқлаш бўйича адабиётлар маълумотларидан фойдаландик. На-шаклдаги катионитлардан фойдаландик, чунки туз формасидаги кучсиз ва ўрта кислотали катионитлар, бўкувчанликни ва ион-алмашиниш жараёнини оширади.

Синтез қилинган фосфат кислотали катионитларнинг асосий кўрсаткичлари

Катионитнинг номланиши	Функционал группаси	Сигим алмашинувлари				pK ₁	pK ₂
		Назарий, мг-экв/г	0.1 N NaOH эритмага кўра эритмага кўра статик, мг-экв/г	Полимердаги фосфорнинг хисобланган миқдори (%) мг-экв/г	Потенциометрик титрлаш эгри чизиқлари бўйича хисобланган, мг-экв/г		
Фосфорлангилган полимер		4.8	5.5-5.6	5.0-5.5	5.5-5.6	-	7.8
Оксидланган фосфорлангилган полимер		4.8	7.6-8.0	5.0-5.5	7.6-7.8	2.8-3.0	7.5-7.8


Эритма ва катионит орасидаги Mg²⁺ ионлари бўйича мувозанатли тақсимланишининг миқдорий характеристикалари учун Mg²⁺ ионлари бўйича тақсимланиш коэффициенти катталиги 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал


Магний ионлари бўйича катионларнинг алмашинув сигими

Катионит	Mg ²⁺ ионлари бўйича статик алмашинув сигими (САС), мг-экв/г	Mg ²⁺ ионлари бўйича динамик алмашинув сигими (ДАС), мг-экв/г	Тақсимланиш коэффициенти - Кр Na ⁺ → Mg ²⁺ , мл/г
Олинган КФФ катионити	3.8	1560	240
РФ-1	2.6	-	180
КФ-1	4.0	-	245

4-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, олинган катионит ўзининг сорбцион хоссалари бўйича КФ-1 полимеризацион катионитдан қолишмайди. 1-расмда Na-шаклдаги катионитларда Mg²⁺ нинг ютилиш тезлигининг вақтга боғлиқлиги келтирилган.



1-расм. Na⁺ → Mg²⁺ ионларининг алмашинув тезлиги: 1 – КФ-1 полимеризацион катионити; 2 – олинган фосфат кислотали КФФ катионити (динамик усул)



2-расм. Катионитларда Na⁺ → Mg²⁺ ионларининг алмашинувида диффузия тенгламасининг қўйилиши: 1 – олинган КФФ катионити; 2 – КФ-1 катионити

1-расмдан кўришиб турибдики, тадқиқ қилинаётган катионит кинетик хоссаларига кўра КФ-1 фосфат кислотали катионити хоссаларига яқин келади. 2-расмда катионитларда Mg²⁺ ионларига алмашилишига диффузия тенгламасининг қўйилиши келтирилган. Bt нинг τ га боғлиқлигининг чиқиқли характери Na⁺ → Mg²⁺ ионларининг алмашинув тезлиги катионит заррачалари орқали диффузияланиш орқали аниқланишини кўрсатади.

Шундай қилиб, олинган натижалар, тадқиқ қилинган катионит сорбцион ва кинетик хоссалари бўйича КФ-1 фосфат кислотали катионитдан қолишмаслигидан дарак беради.

Металл ионларининг сорбцияси. Тадқиқ қилинаётган катионитнинг мис, никель, кальций, натрий, кобальт ва уранил ионларига сорбцияланиши хоссалари, турли факторларнинг ушбу катионларнинг сорбцияланиш жараёнига таъсири, шунингдек, ИК-спектроскопик таҳлилларни қўллаб уларнинг сорбцияланиш механизмини аниқлаш каби ўрганиш қизиқиш уйғотди. 5-жадвалда тадқиқот натижалари келтирилган.

5-жадвал

Катионларнинг фосфат кислотали катионитларда сорбцияланиши

Кўрсаткичлар		0,1 N эритмалар												
		NaOH	NaCl	CaCl ₂	CuSO ₄			NiSO ₄			CoSO ₄			
Эритмалар pH	H-шакл	13	8.13	6.5	4.8-5.0	11	-	7.6	10	-	-	8	-	-
Сорбцияланган, мг-экв/г		6.6-7.6	0.8-1.0	1.1-1.2	1.2-1.3	2.64-2.7	-	1.1-1.2	2.0-2.1	-	-	2.0-2.05	-	-
Тақсимланиш коэфф., мл/г		184	11.5	120	66	733	-	20	84	-	-	35	-	-
Эритмалар pH	Na-шакл	-	-	6.5	4.8-5.0	11	2.35	2.25	3.8	7.6	10	2.36	3.18	8
Сорбцияланган, мг-экв/г		-	-	3.57-3.6	1.75-1.8	3.08-3.1	1.0-1.1	1.0	3.6	2.0	3.75-3.8	0.8-0.9	2.4	2.65

5-жадвал маълумотлари катион табиатининг сорбцияланишга таъсирини тасдиқлайди. Тадқиқ қилинаётган катионлар бир хил сорбцияланмаслиги аниқланди. Катионит ион шаклининг тадқиқ қилинаётган катионларга ютилиши таъсирини ўрганиш шуни кўрсатадики, адабиётлар маълумотларига мос ҳолда Na-шаклдаги водород шаклдагига нисбатан юқори сорбцияланиш қобилиятига эга (5-жадвал). Катионларнинг сорбцияланиш механизмини аниқлаштириш мақсадида мис ионлари билан тўйинтирилган H- ва Na-шаклидаги катионитларнинг ИК-спектрлари олинди. Адабиётлар маълумотларига кўра, фосфат кислотали группалар учун тебранишлар частотаси 700-2560 см⁻¹ соҳаларда ётади. H-шаклидаги катионит спектрида 1150 см⁻¹ да фосфор-кислород боғларнинг валентли тебранишларига мос боғлар кузатилади. Na-шаклидаги катионит спектрида 1150 см⁻¹ соҳасида ютилиш чизиқлари йўқолмайди. Тадқиқ қилинаётган катионит таркибида ўзининг кислотали хусусиятлари билан ажралиб турадиган фосфат кислотали группалар мавжуд. Фосфат кислотали гуруҳлар қанчалик кам диссоциацияланган бўлса, фосфорил кислороди ОН-группаси билан шунчалик кучли водород боғини ҳосил қилади. Шунинг учун катионитнинг натрий билан тўйинишида фосфор-кислород боғларига хос бўлган ютилиш чизиқлари кучсиз водород боғларининг парчаланиши натижасида узун тўлқинли соҳада араланиши мумкин деб ҳисоблаш мумкин. H-шаклидаги катионит спектрида водород боғлар билан боғлиқ бўлган Р-ОН валент тебранишларга хос 2600-2860 см⁻¹, 2100-2600 см⁻¹ соҳаларда унчалик кескин бўлмаган кенг чизиқлар кузатилади. Натрий билан тўйинган катионит спектрида ушбу чизиқлар йўқолади. Металл ионлари билан тўйинган катионит спектрларини кўриб чиққанимизда, H-шаклдаги катионит

спектрларидан фарқли равишда 1060 см^{-1} соҳасида уранил учун ва 1055 см^{-1} соҳасида мис ва никел учун чизиклар хосил бўлади.

Таркибида мис, никель ва натрий ионлари бор бўлган катионит учун Р–ОН группасининг тебраниш жадаллигининг камайиши $2100\text{--}2600\text{ см}^{-1}$ соҳада деформацион тебранишларга хос Р–ОН гуруҳларининг миқдори камайиши орқали изоҳланади. Бу шуни тасдиқлайдики, мис, никель, натрий ионлари асосан қуйидаги тузилишга эга бўлган ион-координацион бирикма хосил бўлиши хисобига катионит орқали ютилади. Водород ва натрий шаклидаги катионитларда, шунингдек, статик шароитларда уранил нитрат эритмасидан уранил ионларининг сорбцияланиши ҳам тадқиқ қилинди. Н-шаклидаги катионитда уранил ионларининг сорбцияси $175\text{--}200\text{ мг/г}$ ни, натрий шаклидаги эса – $200\text{--}250\text{ мг/г}$ ни ташкил этди.

Шундай қилиб, тадқиқ қилинаётган фосфат кислотали катионит синов ўтказилаётган металл ионларига етарлича юқори даражада сорбцион ва десорбцион хусусиятга эга бўлади.


Олинган фосфат кислотали полимернинг термо-кимёвий барқарорлигини ўрганиш. Катионитларнинг алмашинув сиғими 72 соат мобайнида термик ишлов берилиш натижасида ўзининг ахамиятини ўзгартирмайди, уни сувда иситишни яна давом эттирилганда ўзининг алмашинув сиғими катталигини КУ-ФС учун – $1\text{--}2\%$, КФФ учун эса – $1\text{--}1,2\%$ га сезиларсиз даражада пасайтиради, шуни таъкидлаш жоизки, бу вақтда КУ-1 катионитининг сиғим йўқотиши 14% га, фосфат кислотали КФ-1 катионитники эса $1\text{--}1,2\%$ га мос келади.

Тадқиқ қилинаётган намуналарнинг солиштирма хажми деярли ўзгармайди, бундан келиб чиқиб, дериватографда ўтказилган дифференциал-термик таҳлиллар натижасида катионит каркасида сезиларли ўзгаришлар рўй бермайди. Тадқиқ қилинаётган катионитларнинг ҳавода қуриган намуналари Паулик-Паулик-Эрдей тизимига йўналтирилди. КУ-ФС катионитининг қиздириш эгри чизиклари $t=118\text{--}140^\circ\text{C}$ ва КФФ фосфат кислотали катионит учун эса $140\text{--}170^\circ\text{C}$ да битта эндотермик эффект билан тавсифланмоқда, буни ионитларнинг сувсизланиши деб хулоса қилиш мумкин. Функционал гуруҳларнинг йўниб олиниши, яъни КУ-ФС сульфокатионитида полимерларнинг парчаланиши $t=270\text{--}350^\circ\text{C}$ да экзотермик эффект таъсири остида бошланади, фосфат кислотали катионит КФФ учун эса $353\text{--}570^\circ\text{C}$ да бошланади. Катионит каркаси, яъни стирол-фурфурол полимери юқори хароратлар таъсирига етарлича барқарор. Катионитни 850°C гача қиздирилганда оғирлик йўқотилиши умуй миқдори 48% ни ташкил этмоқда.

Фосфат кислотали катионитнинг радиацион барқарорлиги. Сувда Co^{60} нинг γ -манбасида нурлантирилган катионитнинг физик-кимёвий хоссаларини парчаланган моддаларни дистилланган сув билан ювилгандан сўнг тадқиқ қилинди. Таҳлил натижалари сувли муҳитда бошланғич мономерларнинг мавжуд эмаслигини кўрсатади. Катионитнинг радиацион барқарорлиги тадқиқоти шуни кўрсатадики, катионитни нурлантириш вақтида радиациянинг куруқ ва сувда бўктирилган катионитларга таъсири ўртасида катта фарқ кузатилмайди. Синтез қилинган катионитнинг алмашинув сиғими $1,3\text{--}1,8\%$ га камайган,

нафталинсульфо кислоталар ва фурфурол асосидаги сульфокатионитларда эса, 2,4% ни ташкил этади. Шундай қилиб, олинган натижалар, аввалдан маълум бўлган радиацион барқарор ионитлар билан бир қаторда юқори даражадаги радиация майдонларида олинган фосфат кислотали катионитни хам қўллаш мумкин эканлигидан далолат беради.

Фосфат кислотали катионитни олиш технологик жараёнининг баёни. Олиб борилган лаборатория тадқиқотлари ва олинган КФФ катионитнинг эксплуатацион хоссаларини ўзгариши, уни олиш учун лабораториявий технологик регламент ва технологик схемани ишлаб чиқиш имкониятини берди (3-расм).



3-расм. КФФ фосфат кислотали катионитни олишнинг технологик схемаси.

- 1,2,3,4,5,6,7 – ўлчагичлар; 8,9 – музлатгичлар; 10 – полимер олиш учун реактор; 11 – полимерни фосфорлантириш учун реактор; 12-куритгич; 13 – гранулятор; 14 – элак; 15 – филтр; 16 – бункер; 17,18,19,21,22,23 – бошланғич хомашё учун омборлар; 20 – хайдаш ускуналари; 24 – тасмали транспортер; 25 – тайёр маҳсулот омбори.

Стирол-фурфурол полимерини ва унинг асосида фосфат кислотали катионитни олишнинг даврий жараёни қуйидаги босқичлардан: хомашёни тайёрлаш ва юклаш, стиролни фурфурол билан поликонденсациялаш, олинган полимерни оқизиш, куритиш ва гранулалаш. Бошланғич хомашёни реактор 10 га узатишдан олдин уни технологик талабларга мос келишини текширилади. Стирол, фурфурол 17, 18 омборлардан хайдаш қурилмаси 20 га узатилади, у ердан 1, 2 ўлчаш мосламаларига узатилади, у ердан эса маълум миқдорларда, реакция массани иситиш учун зарур бўлган сувли ғилофдан иборат аралаштириш учун аралаштиргич ва совитгич билан жихозланган реактор 10 га берилади.

Рух хлорид катализатори омбордан ўлчаш мосламаси 3 га узатилади. Реакция массанинг ҳарорати 85-90°C оралиқда ушланади, поликонденсация жараёни давомийлиги 4 соатни ташкил этади. Тайёр бўлган стирол-фурфурол полимерини патнисларга берилади ва куритгич 12 да 95-100°C оралиғида куритилади. Қотган полимерни гранулятор 13 га узатилади, у ерда $d_3=0.5$ мм гача майдаланади. Майдаланган полимерни реактор 11 га юкланади, у ерга ўлчагич 7 орқали учхлорли фосфор узатилади, сўнгра, аралаштиргични ёқилади ва 3.5-4 соат мобайнида полимер бўкади, кейин, ўлчагич 6 орқали алюминий хлорид киритилади ва 6 соат давомида $t=70^\circ\text{C}$ температурада фосфорлантириш жараёни олиб борилади. Ундан сўнг, фосфорлантирилган полимерни учхлорли фосфор эритмасидан ажратиб олинади, ўлчагич 5 дан узатилаётган дистилланган сув ёрдамида нейтрал муҳитгача ювилади.

Шундан сўнг, Н-шаклдаги катионитни реактор 11 дан фильтр 15 га берилади, у ердан тасмали транспортер 24 га узатилади ва тайёр махсулот омбори 25 га жўнатилади. Олинган катионитнинг алмашинув сиғимини ошириш учун уни реактор 11 да оксидлантирилиши мумкин. Катионитни дистилланган сув билан ювилгандан кейин 7 соат давомида 60°C да ўлчагич 4 орқали реактор 11 га бериладиган концентрланган нитрат кислотаси билан контактлаштирилди. Сўнг катионитни намлантирилган этил спирти билан спирт концентрациясини мунтазам равишда камайтириб бориб, охириди дистилланган сув билан нейтрал муҳитгача ювилади. Тайёр бўлган Н-шаклидаги катионитни реактор 11 дан фильтр 15 га юборилади ва у ердан тайёр махсулот омборига жўнатилади.

Олинган катионитни саноат оқава сувларини тозалаш ва юмшатиш жараёнларида қўллаш имкониятларини тадқиқ қилиш. Республикамиз шароитларида юқорида келтирилган саноатларда қўлланилаётган ионитлар, бу юқори эксплуатацион хоссаларга эга бўлган КУ-2x8, КУ-1 каби катионитлардир. Бироқ, шунга таъкидлаш жоизки, бу ионитлар қиммат бўлганлиги ва айтиб ўтилган ион алмаштиргичлар сабабли, уларни қўллашда бирмунча чегараланишлар мавжуддир. Сувни тайёрлаш ва саноат оқава сувларини тозалашда юзага келадиган долзарб муаммолардан бири, бу янги ион-алмаштиргичлардан фойдаланиш хисобланади, уларни қўллаш орқали аллақачонлар мамлакатимиз халқ хўжалигига иқтисодий фойда келтирилган бўлар эди.

6-жадвал

2019 йилнинг май ҳолатига оқава сувларни тозалаш таҳлиллари натижалари

№	Ингредиентларнинг номланиши	Ўлчов бирлиги.	Кириш	Ташлама 1	Ташлама 2	ЧМЧ	Тозалаш фактик самарадорлиги, %
1	рН		7.84	7.56	7.58		
2	Муаллақ моддалар	мг/л	75.3	13.2	15.7	23.0	78
3	Қуруқ қолдиқ	мг/л	445	304	317	486	75
4	Аммонийли азот	мг/л	14.75	3.84	4.70	6.4	75
5	Нитритли азот	мг/л	0.2	0.12	0.16	0.18	75
6	Нитратли азот	мг/л	1.70	6.31	5.11	9.1	75
7	Темир	мг/л	0.38	0.058	0.03	0.18	81
8	Ca ²⁺	мг/л	1.42	0.5	0.53	1.9	82
9	Mg ²⁺	мг/л	98.66	65.62	51.22	56.2	72
10	БПК ₅	мг/л	37.8	14.0	13.9	24	75
11	ХПК	мг/л	126.35	45.77	44.79	82	80
12	Нефт махсулотлари	мг/л	1.39	0.18	0.23	0.29	75
13	Хром (VI)	мг/л	0.028	0.011	0.011	0.008	71
14	СФМ	мг/л	0.39	0.13	0.08	2.9	78
15	Мис	мг/л	0.015	0.003	0.004	0.0025	70
16	Рух	мг/л	0.032	0.012	0.017	0.02	75
Жами тозалаш самарадорлиги, %						75	75,6

а) *Янги ион-алмашинувчи полимерларни саноат-тажриба синовлари.* Шаҳар оқава сувларини тозалаш бўйича саноат-тажриба синовлари КУ-ФС сульфокатионити ва КФФ фосфат кислотали катионитларда олиб борилди. Синовларни олиб бориш учун механик, биологик ва химбактериологик тозалашлардан ўтган оқава сувларнинг ўртача намуналари олинди. оқава сувларни тозалангандан кейинги маълумотлар б-жадвалда келтирилган. Хром, мис, рух ва бошқ. оғир металл ионларидан тозалаш бўйича саноат – тажриба синовлари фосфат кислотали катионит орқали ўтказиш йўли билан

олиб борилди, бу вақтда юқорида айтиб ўтилган металллар ионларидан тозалаш, сувларни 7,58 дан 2,2 мг-экв/г гача юмшатиш билан бир вақтда бўлиб ўтди (7-жадвал).

7-жадвал

Шахар ташлама сувларини фосфат кислотали катионит КФФ ёрдамида тозалашнинг саноат-тажриба синовлари натижалари

Ифлосликларнинг турларининг номланиши	“Сувсоз” ДУК сувларини тозалашнинг амалдаги самарадорлиги, %	Сульфокатионит билан контактдан кейинги ташлама сувларни тозалаш даражаси, %	Фосфат кислотали катионит билан контактдан кейинги ташлама сувларни тозалаш даражаси, %
рН	7.58	2.4	2.2
Нефть маҳсулотлари	78	83	85
Хром	71	81	88
Мис	70	82	92
Рух	75	81	86

7-жадвалдан кўришиб турибдики, тадқиқ қилинаётган фосфат кислотали катионитни Тошкент шаҳри оқова сувларини тозалашда қўллашда, сувнинг тозаланиш даражаси ЧМЧ нормаларига етади.

б) *фосфор кислотали катионитни ишлаб чиқариш эритмаларини деминераллаштириш жараёнида синаш.* «Хамкор» МЧЖ корхонасининг марказий лабораториясида ишлаб чиқариш эритмаларини фосфор кислотали катионит ёрдамида деминераллаштириш (натрий, кальций, магний ионларидан тозалаш) бўйича синаш ишлари олиб борилди, объект сифатида қозонхона цехининг ишлаб чиқариш сувларидан фойдаланилди. Бу вақтда Н-ва Na-шакллардаги катионитлардан фойдаланилди. 8-жадвалда олинган фосфат кислотали катионитни “Хамкор” МЧЖ корхонасининг артезиан сувларини юмшатиш жараёнида қўллаш жараёнларида олинган маълумотлар келтирилган. 8-жадвалдан кўришиб турибдики, Na-шаклида олинган катионитни маиший ва техник сувларни юмшатиш жараёнида қўллаш мумкин. Синовлар натижалари шуни кўрсатадики, фосфат кислотали катионит ишлаб чиқариш эритмаларини 90% гача деминераллаштиради. Синовларгача сувнинг қаттиқлиги 8,0 мг-экв/л ни ташкил этади.

8-жадвал

Олинган катионитни сувларни юмшатиш жараёнларида қўллаш натижалари

№	Кўрсаткичлар	“Хамкор” МЧЖ қозонхона цехидаги артезиан сувлари		
		Синовгача	Синовдан кейин	
			Н-шаклда	Na- шаклда
1.	Умумий қаттиқлик, мг-экв/л	8,0	0,8	0,5
2.	Ca ²⁺ миқдори, мг-экв/л	4,5	0,3	0,2
3.	Mg ²⁺ миқдори, мг-экв/л	3,2	0,5	0,3

Фосфат кислотали катионитни қўллангандан кейин, 0,5-0,8 мг-экв/л ни ташкил этади. Олинган натижалар, синовдан ўтказилаётган фосфат кислотали катионит кальций ва магний ионларига юқори сорбцион хусусиятга эга эканлигини кўрсатади, уни мазкур заводда сувларни юмшатиш ва деминераллаштириш учун саноатда қўлланилаётган КУ-2-8 сульфокатионити билан параллел равишда қўллашга тавсия қилинади.

ХУЛОСАЛАР

1. Стирол-фурфурол полимерини фосфат кислотали катионит олиш учун полимер матрицаси сифатида қўллаш тавсия этилган.
2. Олинган фосфат кислотали катионитнинг структураси ва хоссаларини, кимёвий таҳлил усулларини ИК-спектроскопия, потенциометрия, термогравиметрия, газ-суюқликли хроматография ва бошқа усуллар билан уйғунлашган ҳолда тадқиқ қилиш тавсия этилган.
3. Фосфат кислотали катионит саноат катионитлари билан таққосланганда, сувда, кислота ва ишқорларнинг сувли эритмаларида кимёвий, термик, радиацион таъсирларга қарши юқори мустаҳкамликка эга эканлиги билан изоҳланади.
4. Мис, никель, уранил, кальций, магний ва бошқа металл ионлари қаторида олинган фосфат кислотали катионитнинг сорбцион хусусиятларининг рН муҳитига, катионнинг ион шаклига ва тадқиқ қилинаётган катионитнинг концентрациясига боғлиқлиги аниқланиб, катионитни турли сувлардан тадқиқ қилинаётган катионлардан сорбциялаш жараёнларида қўллаш тавсия этилган.
5. Фосфат кислотали катионит олиш учун технологик шароитлар ва улар асосида саноат-тажриба технологик регламенти тавсия этилган.
6. Катионитнинг физик-кимёвий, кимёвий ва сорбцион хоссаларини таҳлил қилиш асосида олинган катионитни “Хамкор” МЧЖ корхонаси сувларини юмшатишда ва “Бўзсув аэрация станцияси” оқава сувларини мис, хром, рух ва бошқа ионлардан тозалашда қўллашга тавсия этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ШАРИПОВА УМИДА ИКРАМОВНА

**ВОЗМОЖНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ НОВОГО ФОСФОРНО-
КИСЛОГО КАТИОНИТА ПРИ ОЧИСТКЕ СТОЧНЫХ ВОД И
ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ РАСТВОРОВ**

**11.00.05-Охрана окружающей среды и рациональное
использование природных ресурсов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2019.4.PhD/K273.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-страница Научного совета (www.tkti.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель: Пулатов Хайрулла Лутпуллаевич
доктор химических наук

Официальные оппоненты: Кулматов Рашид Анорович
доктор химических наук, профессор
Сайфутдинов Рамзиддин Сафутдинович
доктор технических наук, профессор


Ведущая организация: Институт общей и неорганической химии


Защита диссертации состоится 30 05 2020 года в 13⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.K/T.04.02 при Ташкентском химико-технологическом институте (адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул.А.Навоий. 32. Тел.: (+99871) 244-79-20; Факс: (99871) 244-79-17. e-mail: info@tkti.uz).


Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за №___ с которой можно ознакомиться в ИРЦ (адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул.А.Навоий. 32. Тел.: (+99871) 244-79-20).

Автореферат диссертации разослан 21 05 2020 года.
(Реестр за №2 от 21 05 2020 г.).




Л.Т.Пулатова
Заместитель председателя научного совета по присуждению учёных степеней, д.х.н., профессор


Ф.Б.Игитов
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии по химическим наукам


А.С.Сидиков
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире в химической, металлургической и других отраслях производства для очистки сточных вод, подготовки и умягчения воды на предприятиях широко используются ионообменные полимеры с высокими сорбционными свойствами. В частности, использование ионообменных полимеров на основе дешевого и легкодоступного сырья для очистки сточных вод от ионов тяжелых металлов на промышленных предприятиях в значительной степени поддерживается современными достижениями науки и техники.

В мире перспектива целенаправленных научных исследований по созданию экологически безопасных, целенаправленных ионов направлена на решение важных технических проблем, и научное обоснование соответствующих решений по расширению их сырьевой базы, в частности получение нового полимера путем поликонденсации стирола и фурфурола для введения ионогенных групп, определение оптимальных условий синтеза фосфорнокислого катионита на основе стирольно-фурфурольного полимера, разработка технологии очистки сточных вод от ионов тяжелых металлов и умягчение вод.

В Узбекистане достигнуты научные и практические результаты по получению новых ионитов на основе местного сырья, по применению их в процессах очистки сточных вод от ионов тяжелых металлов, умягчения вод. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан предусмотрены меры «дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленные на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов»¹. В связи с этим, научные исследования по очистке сточных вод и умягчения вод путем получения новых ионообменных полимеров на основе продуктов химической и гидролизной промышленности играют важную роль.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 23 августа 2017 года ПП-3236 «О программе развития химической промышленности на 2017-2021 годы», ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по усиленному развитию химической промышленности в Республике Узбекистан» и ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы».

промышленности”, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики IV. «Охрана окружающей среды и рациональное использование природных ресурсов».

